




Сеянтусдаги катли омм — рус кўшинлари томонидан тинч бошқирд аҳолисига қарши амалга оширилган оммавий қирғин бўлиб, 1736 йил 24 январь куни Сеянтус қишлоғида содир этилган. 1736 йил 24 январь куни Алексей Тевкелев қўмондонлигидаги рус кўшинлари томонидан қишлоқнинг тахминан 1 минг нафар аҳолиси ўқ билан отиб, найза ва штыклар билан санчиб ўлдирилган, 105 нафар эркак эса оғборхонага қамалиб, тириклайин ёкиб юборилган

1736 йилдаги катли омм

1735—1740 йиллардаги кўзголонда энг фаол иштирок этганлар баликчин бошқирдлари эди. 1735 йил декабрь ойи охирида Оренбург экспедицияси раҳбарларидан бири А. И. Тевкелев Уфадан жазоловчи отряд билан йўлга чиқиб, Бирск оркали Ай дарёси томон йўналди. Юсуп Ариков ва Тюлькучура Алдагулов бошчилигидаги кўзголончилар Тевкелевни Баликчин ва Мурзалар волостлари чегарасидаги тоғли ўтмишларда тор-мор қилишни режалаштирган эдилар. Бу ерда Баликчин волости оксоқоли Чекат раҳбарлигида 700 нафар қуролланган отряд ҳаракат қилар эди. Аммо ҳукуматга содиқ бўлган мишарлар кўзголончиларнинг режалаштирилган ҳаракатлари ҳақида жазоловчи отряд раҳбарларини олдиндан огоҳлантирдилар.

1736 йил 19 январь куни А. И. Тевкелев Сеянтус қишлоғига етиб келади ва у ерда қишлоқ аҳолисининг режалаштирилган амалиётга алоқадор эканини билиб олади. Бундан ташқари, айнан Сеянтусда Тевкелев бошқирдлар очлик сабабли асирликка таслим бўлишга рози бўлган Верхояицк пристани гарнизонини тўлиқ кириб ташлагани ҳақида хабар олади.

1736 йил 24 январь куни Тевкелев отряди Сеянтуснинг ўзида кўзголончилар ҳужумига учрайди. Ушбу воқеаларнинг гувоҳи П. И. Рычков қуйидагиларни ёзади: «Озиқ қишлоқ Сеянтус аҳолиси бўлган бошқирдлар, ўз ёвуз ниятлари ошқор бўлганини билиб, дарҳол қарши чиқишга жасорат қилдилар. Улар юқори жойларда жойлашган аскарларга ҳалокатли ҳужум уюштириб, бир нечта қишини пичоқ билан ярадор қилдилар, бошқалари эса қишлоқларга ёпишиб, Ай дарёсида жойлашган ўғрилар йиғинига хабар бериш учун ўрмонга қочмоқчи бўлдилар. Аммо шу заҳоти бутун отрядда ҳавотир кўтарилиб, ҳаммаси қўмондонлик томонидан қўшаб олинди ва қисқа муддатли қаршиликдан сўнг қўлга олинди. Қишлоқда аёллари ва болалари билан бирга қарийб минг нафар одам ўқ билан отиб ташланди, драгунлар томонидан штыклар билан санчилди, ҳукуматга содиқ бўлган бошқирдлар ва мешчеряклар томонидан эса найзалар билан кириб ташланди. Бундан ташқари, 105 нафар одам битта омборхонага йиғилиб, у ерда олов билан ёқиб юборилди».

Шундан сўнг Тевкелев ва полковник Мартыновнинг жазоловчи отрядлари яна 51 та қишлоқни вайрон қилиб, ёқиб юбордилар, Баликчин, Унлар, Кир-Танип волостларида (ҳозирги Башқирдистоннинг Аскин, Балтачев, Қараидел туманлари ҳудудлари) 2 минг нафардан ортиқ одам ўлдирилди.

И. К. Кириллов, майор Б. Л. Останков ва генерал-лейтенант А. И. Румянцев қўмондонлигидаги отрядлар томонидан тахминан 500 та қишлоқ вайрон қилиниб, ёқиб юборилди (тахминан 3 минг нафар одам ўлдирилди), 1737 йилда Л. Я. Соймонов қўмондонлигида — 30 та қишлоқ (тахминан 900 нафар одам), 1740 йил июнь—август ойларида эса 725 та қишлоқ вайрон қилинди.

Бошқирдларнинг Оренбург экспедициясига қарши туриш уринишларига нисбатан подшоҳ маъмурияси томонидан қўлланилган шафқатсиз чоралар кўзголоннинг янада қучайишига олиб келди.

«Москва — учинчи Рим» гоёси ва унга эргаштириш ҳатари

Тарихда рус насронийларининг «Москва — учинчи Рим» деган акидаси бор. Бу гоёга кўра, гўё Рим кулаган, Константинопол кулаган, энди православ дунёси ва «муқаддаслик» мероси Москвага ўтган эмish. Бу — черков-сиёсий даъво, диний ёки илохий ҳақиқат эмас.

Муаммо шундаки, бу гоё асрлар давомида сиёсий босим ва империявий кенгайишни оқлаш воситаси бўлиб келган. У орқали:

бошқа халқлар устидан ҳукмронлик «муқаддас миссия» сифатида кўрсатилган, босқин ва зулм «динни ҳимоя қилиш» никобига ўралган, маҳаллий миллатларнинг тарихи, тили ва эътиқоди иккинчи даражага сурилган.

Кўр-кўрона эргашиш муаммоси

Энг аламлиси — айрим одамлар, айниқса ўзини дин ёки маърифат вакили деб билганлар, ушбу акидани танқидий ўрганмасдан, уни такрорлай бошлайди. Улар:

тарихни эмас, тарғиботни ўқийди, ҳақиқатни эмас, манфаатни ҳимоя қилади, мустиқл фикр ўрнига тайёр шиорларга эргашади.

Бу ҳолат инсонни фикран қарам қилади. Қарамлик эса аввало ақлдан бошланади.

Ислом ва тарих нуқтаи назаридан

Исломда ҳеч бир шаҳар ёки давлат «илохий марказ» деб эълон қилинмайди. Ислом:

адолатни марказ қилади,
зулмга қарши туришни буюради,
ҳар қандай империявий даъвони Қуръон ва суннат мезони билан ўлчайди.

Шунинг учун ҳам мусулмон одам, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай “муқаддас империя” даъвосини ақл, илм ва адолат билан баҳолаши шарт.

Ҳуллас, «Москва — учинчи Рим» деган даъво — черков ва сиёсат маҳсули, илохий ҳақиқат эмас. Унга кўр-кўрона ишониш эса инсонни ҳақиқатдан узоқлаштиради. Ақлли одам:

эргашмайди, ўрганади;
такрорламайди, таҳлил қилади;
зулмни оқламайди, унга қарши фикр билдиради.

Ҳар қандай гоёни қабул қилишдан олдин уни ўқиб, англаб, солиштириб, кейин ҳулоса қилиш керак. Ақс ҳолда, инсон ўз йўлини ўзи билмаган ҳолда, бошқалар белгилаб берган издан юриб кетаверади.

Шунинг учун ҳам:
ўқиш керак — эргашиш учун эмас, англаш учун.

Абу Муслим (профессор)